

---

## Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

Юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида ҳамиша ҳушёр ва огоҳ, фидойи Ватан ҳимоячилари борки, бизнинг кўнглимиз хотиржам, осмонимиз мусаффо.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни Учкўприк туманида ҳам кенг нишонланмоқда. Байрам муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Дастлаб мазкур сана муносабати билан туман маркази бўйлаб ҳарбий куй-қўшиқлар садоси остида байрамона саф юришлари ўтказилди.

Туман ҳокимлигида бўлиб ўтган байрам тадбирида ёшлар, муҳофаа ҳамда ички ишлар бўлимлари ходимлари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тадбирда Учкўприк тумани ҳокими ва муҳофаа бўлими бошлиғининг байрам табриги ўқиб эшиттирилди.

Туман ҳокими Абдоржон Асқаров ўз табригида таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида миллий армиямизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий қурол-яроғ ва аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний, маънавий-интеллектуал тайёргарлигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунинг самараси ўлароқ, миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ёшларимиз учун шарафли вазифага айланди.

Тадбирга, шунингдек, халқ таълими муассасалари фахрийлари, байналминал жангчилар, муҳофаа бўлими ходимлари ва чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари таклиф қилинди.

Ташкилотчилар Ватан тинчлиги йўлида фидойилик кўрсатган фахрийларни, байналминал жангчилар ва ҳарбий таълим устозларини байрам билан қутлашди.

Тадбир иштирокчиларининг бир гуруҳига туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бўлимаси кенгашининг ташаккурномалари ва эсдалик совағалари топширилди.

Бадий дастур давомида Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ижро қилинди. Ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмали чиқишлари тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият улашди.

2023-01-17 16:00:10